

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.2016 Fіl.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАДЖАПОВА ФЕРУЗА АБДУЛЛАЕВНА**

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА  
УСЛУБ ВА ПОЭТИК ТИЛ**

**10.00.02 — Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по филологическим наукам**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy  
(PhD) on philological sciences**

**Раджапова Феруза Абдуллаевна**

Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил ..... 5

**Раджапова Феруза Абдуллаевна**

Стиль и поэтический язык в узбекской повести в период независимости..... 25

**Radjarova Feruza Abdullaevna**

Style and poetic language in uzbek narrative in the period of independence ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.2016 Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАДЖАПОВА ФЕРУЗА АБДУЛЛАЕВНА**

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА  
УСЛУБ ВА ПОЭТИК ТИЛ**

**10.00.02 — Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil198 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб саҳифасининг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаев Хамдам Жуманиёзович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Дониярова Шоира**  
филология фанлари доктори

**Кучкарова Мархабо Худойбергановна**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот** **Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; Fax: (99871) 233-71-44; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,  
академик

**Р.Баракаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Н.Ф.Каримов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий семинар раиси, ф.ф.д.,  
академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадий асарни баҳолаш, ижодкор лабораториясини янгича таҳлиллар ва кузатишлар билан ўрганиш, хусусан, прозанинг ўрта ҳажмли, бош қаҳрамон атрофида жамланган муайян сюжет ва композицияга эга қисса жанрига хос янгича ижодий изланишларни тадқиқ этиш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. Зеро, кўп асрлик миллий-адабий тажриба ва янгича тафаккур маҳсули бўлган адабиётнинг барча тур ва жанрларида одам ва олами бадий кашф этишдаги теранлик янада чуқурлашяпти, шаклий-услубий ранг-баранглик, ўзига хослик ёрқинроқ намоён бўла бошлаяпти.

Жаҳон адабиётида, жумладан, унинг таркибий бир қисми бўлган бугунги ўзбек насрида, хусусан, салмоғи тобора ошиб бораётган қиссаларда ҳам янгича тамойиллар намоён бўлиб, бу тамойиллар мавжуд миллий-адабий анъаналар билан жаҳон адабиётидаги илғор тажрибаларнинг ўзаро табиий ва давр тақозоси билан изоҳланадиган синтези сифатида воқе бўлаётир. Уларда инсон ва ҳаётни бутун мураккабликда кўриш, зоҳирий ва ботиний олами, руҳиятни холис ва таъсирчан тасвирлаш, фалсафий-психологик талқин ва мажозий образлилик устуворлик қилмоқда. Адабий-эстетик тафаккурдаги ўзгаришлар қиссаларнинг ғоявий мазмуни ва мавзу қамровини кенгайтириш баробарида адибларнинг индивидуал услуби, тасвир ва ифодадаги бетакрорлиги ва талқин оҳанглари ранг-баранглигини юзага келтирмоқда. Бу эса инсон руҳияти ва маънавий оламини турли ракурсларда таъсирчан ва ишонарли таҳлил этишга имкон берувчи турфа услубий-шаклий йўналишларнинг кенгайишига имкон яратди. Шубҳасиз, бу жараён, аввало, адиблар дунёқараши, бадий истеъдоди билан бирга метод, жанр, услуб ва поэтик тилда намоён бўлаётган хилма-хил ёндашув ва шаклий структурал ўзгаришларга ижодий муносабатда кўринмоқда.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислохотлар жараёнида миллий маънавият жамиятда ҳар томонлама комилликка эришиш туйғуларини тарбиялашга хизмат қилиб, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”<sup>1</sup> бадий адабиёт ва маънавиятнинг, айниқса, ёш авлод маънавий камолотидаги бениҳоя улкан ўрин тутишини яна бир қарра тасдиқлайди. Ўзбек адабиёти ривожланишида бугунги янги босқичдаги асосий сифат кўрсаткичлари қиссачиликдаги услуб хилма-хиллиги, адиблар ижодий индивидуаллигининг турфалиги, янги қаҳрамон пайдо бўлгани, миллий ва умумбашарий адабий тафаккур алоқаси кучаяётганида намоён бўлмоқда; бинобарин, кейинги чорак асрда ўзбек миллий насрида анъанавий реалистик тасвир имкониятлари янада кенгайиши ва янги модернистик ёндашувнинг шаклланиш жараёни қисса жанрини махсус ўрганишни тақозо этади; ҳозирги ўзбек адабиёти

<sup>1</sup> Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. . Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август.

етакчи ижодкорларидан Эркин Аъзам, Назар Эшонқул, Э.Усмонов қиссалари асосий тенденцияларини ажратиб кўрсатиш мавзу долзарблигини тақозо этувчи илмий эҳтиёж бўлиб, бугунги ўзбек қиссачилиги бадиий тасвиридаги янгиликларни ўрганиш орқали ижодкор индивидуаллиги ва поэтик тил омиллари ўрнини аниқлаш тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-47-97-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазфаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида қисса жанри, услуб, поэтик тил ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Арасту, М.М.Бахтин, В.Г.Белинский, В.В.Виноградов, В.М.Головко, В.Жирмунский, В.Кожин, Л.С.Лихачев, А.А.Потебня, В.Е.Хализев, М.Б.Храпченко каби хорижлик олимларнинг илмий асарларида услуб, бадиий асар таҳлили, қисса жанри ва унинг асосий хусусиятлари ҳақидаги назарий қарашлар эътиборга лойиқдир<sup>2</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида шўро даври ва истиқлол даври қиссачилиги, унинг муҳим бадиий-ғоявий хусусиятлари ҳақида И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Э.Каримов, М.Султонова, Ў.Носиров, Н.Шукуров, Ҳ.Болтабоев, А.Аброров, А.Расулов, Б.Назаров, К.Тагматов, М.Тенглашев, У.Норматов, Қ.Йўлдошев, Б.Каримов, А.Улуғов, Ҳ.Каримов,

---

<sup>2</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 351; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 502; Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т.3. – М.: 1978. – С. 271; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 118; Головко В.М. Поэтика русской повести. – Саратов: 1992. – С. 276; Жирмунский В. Стихотворение Гёте и Байрона: Ты знаешь край?.. Изд. МГУ 1961. – С. 294; Кожин В. Повесть. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 272; Лихачев Л.С. Неравнодушная проза. – М.: Художественная литература, 1984. – С. 314; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 614; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С. 397; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Писатель, 1975. – С. 407

Г.Тошпўлатов, Қ.Кўбаев, Ю.Каримова, А.Холмуродов, М.Рустамова, С.Тўлаганова, М.Кўчқорова, Д.Холдоровларнинг мақола, монография, диссертацион ишларида муҳим илмий изланишлар қилинган<sup>3</sup>.

Бироқ ҳозиргача эълон этилган тадқиқотларда истиқлол даври қиссачилигига хос бўлган услуб ва поэтик тил муаммоси махсус ўрганилмаган. Бинобарин, бугунги қиссачиликдаги услубий ранг-баранглик, ижодий индивидуаллик муаммоси қатор ишларда қисман қайд этилса ҳам, услуб ва поэтик тилнинг жанр такомилидаги ўрни, турфа тасвир ва ифода қатларидаги бадиий функцияси бевосита монографик планда махсус тадқиқ этилмаган. Зеро, ҳозирги қиссаларда ҳам анъанавий, ҳам замонавий услуб кўринишлари тобора янгиланиб, индивидуаллик кучайиб, такомиллашиб борар экан, уларнинг асосий хусусиятлари ва ўзаро таъсирини жанр тадрижи, услуб ва поэтик тил аспектида ўрганиш илмий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Урганч Давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси режасидаги “Ҳозирги ўзбек адабиёти такомилнинг етакчи хусусиятлари” мавзуси доирасида бажарилиб, УрДУ илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бугунги давр қиссаларига хос бадиий-эстетик таҳлиллар орқали ўзбек қиссачилигига хос услубий йўналишлар, ижодий индивидуаллик ва поэтик тил муаммосини ўрганиш ҳамда уларнинг жанр

---

<sup>3</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Кўшхонов М. Қалб ва қиёфа. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Мамажонов С. Наср, давр, қахрамон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983; Шарафиддинов О. Дунёда офтоб борки/ Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.334-344; Норматов У. Насримиз анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Каримов Э. Ўзбек совет адабиётида повесть жанри/Адабий турлар ва жанрлар. Т.1. – Тошкент: Фан, 1991; Султонова М. Ўзгича услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973. – 116 б.; Носиров Ў. Ижодкор, шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – 198 б.; Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 170 б.; Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услубий ранг баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983; Болтабоев Х. Стилевые искания современной узбекской прозы (70-е годы): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Аббасов А. Ўзбек повести. – Тошкент: Фан, 1983; Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Назаров Б. Ҳаётийлик – безаволмезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985; Тагматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970 гг): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.47. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 120-129; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2016. – Б.6-35; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002; Мирзаев И. Бадиий услуб сеҳри. – Самарқанд, 2000; Улуғов А. Қиссачилигимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 1995; Ташпулатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Каримова Ю. Пиримкул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2005; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараккиёт муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2008; Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараккиёт тенденциялари: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2005; Тўлаганова С. Бадиий асар морфологияси. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016; Кўчқорова М. Бадиий сўз ва рухият манзаралари. – Тошкент: Мухаррир, 2011; Холдоров Д. Ижод моҳияти услуб хосияти. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. – 160 б.

такомили ва ғоявий-бадий мундарижасидаги аҳамиятини тадқиқ этиш асосида муайян илмий-назарий қарашларни умумлаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек адабиётида қисса жанрида тадрижийлик, услуб ва ички турларни кўрсатиш;

ҳозирги қиссачиликка хос (реалистик, модернистик, рамзий шартли мажозий тасвир, синкретик бадий тасвир) турфа услубий изланишларни таҳлилларда ёритиш;

давр ва қаҳрамон, ижодий индивидуаллик масаласини очиб бериш;

янгиланаётган услубда инсон руҳияти тасвирининг тобора чуқурлашуви, воқеа диалектикаси ҳамда мажозий-фалсафий мушоҳадакорлик етакчи тенденция сифатида намоён бўлганини далиллаш;

ўзбек қиссалари тилида халқона образли ифода, иборалар, жонли халқ тилига хос унсурлар, аллофрония, адабий афоризм каби ҳодисаларни ўрганиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда аналитик, қиёсий-типологик, лингвопоэтик методлар асосий таҳлил усули сифатида белгиланди.

**Тадқиқотнинг объекти.** Диссертация объектига кейинги чорак асрда реалистик ва модернистик йўналишларда яратилган қиссалар қамраб олинди. Асосий эътибор адабий жараёнда ўз ўрнига эга бўлган Эркин Аъзам (“Отойининг туғилган йили”, “Сув ёқалаб”, “Забаржад”, “Тули-гули”, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Шоирнинг тўйи”), Назар Эшонқул (“Тун панжаралари”, “Қора китоб”, “Момоқўшиқ”, “Хаёл тузоғи”), Эркин Усмонов (“Тақдири азал”) қиссалари таҳлиliga қаратилди. Шунингдек, ўрни билан қиёслаш мақсадида уларнинг бошқа жанрлардаги асарлари ҳамда баъзи муаллифларнинг айрим қиссалари кўшимча объект вазифасини бажарди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бугунги давр қиссачилигига хос услуб ва поэтик тил, қисса услуби, давр ва қаҳрамон тасвири, ижодий индивидуаллик, руҳият ва воқеа диалектикаси, мажозий-фалсафий мушоҳадакорлик, қиссалар тилида сўз ва иборалар, адабий афоризм, ранг рамзлари ва семантикаси ўрнини ёритиш масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бугунги қиссалар реалистик ижод типи намуналари бўлиб, мавзу, тузилиши ҳамда услуб жиҳатдан серқатлам ва турлича бўлса-да, ҳаққоний тасвир устуворлиги Э.Аъзам, Н.Эшонқул, Э.Усмонов қиссалари қиёси мисолида аниқланган;

анъанавий реализм имкониятлари юзага чиқишида жанр такомилидаги эврилишлар, воқелик ва руҳият қамровининг кенгайиши, қисса ички типларининг кўпайиши, бошқа жанрлар унсурлари билан синтезлашувнинг таъсири муаллифлар ижодий индивидуаллигида намоён бўлиши асосланган;

янгиланган бадий тафаккур қирралари Э.Аъзам ва Н.Эшонқул қиссаларида руҳият тасвирида туш, ички нутқ, рамзийлик ҳамда фалсафийликда намоён бўлиши кўрсатиб берилган;

услуглар муносабатидаги синкретизм ижодкор бадиий нияти, қисса мазмуни, структураси ва баён тарзига кўра воқеъ бўлиши Э.Усмоновнинг “Тақдири азал” қиссаси асосида ёритилган;

индивидуал услуб намоён бўлишида бугунги давр қиссачилигининг поэтик тил масаласи, жумладан, полисемия, фразема, афористик ифода воситалари, тун ранглари семантикасининг ўзига хосликлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётида XX аср бошларидан ҳозирги кунга қадар бўлган ўзбек қиссачилиги тарихининг изчил бадиий тадрижи кўрсатилган;

давр ва қахрамон муаммоси Эркин Аъзамнинг “Сув ёқалаб”, “Шоирнинг тўйи”, “Отойининг туғилган йили”, “Забаржад” қиссалари мисолида ёритиб берилган;

Эркин Усмоновнинг “Тақдири азал” қиссасида фантастик, детектив талқинлар реалистик тасвирга сингиб кетгани исботланган;

“Тун панжаралари”, “Қора китоб”, “Момоқўшиқ”, “Хаёл тузоғи” (Н.Эшонқул) қиссалари мисолида ички нутқ турлари, шунингдек, “туш”, “ёмғир”, “тун”, “ўлим”, “арвоҳ”, “бино”, “қон”, “болта”, “тобут” тушунчаларининг рамзий маънолари очилган;

Э.Аъзам қиссаларидаги сўз қўллашдаги тежамкорлик, лўндалик, эмоционаллик даражаси лингвопоэтик таҳлиллар асосида исботланган;

бугунги ўзбек қиссачилигига хос муҳим бадиий-услубий масалалар ва етакчи поэтик тил унсурлари ҳақида назарий ва амалий умумлашмалар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** бугунги давр ўзбек қиссачилигига хос услубий йўналишлар ва поэтик тил масаласи аналитик, қиёсий-типологик, лингвопоэтик таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, ҳозирги ўзбек қиссачилигини кузатиш ва таҳлил этиш асносида реалистик, мажозий-фалсафий мушоҳадакорлик, детектив, фантастик унсурларнинг реалистик насрга омухта бўлиши аниқ назарий фикрлар, таҳлиллар, умумлашма хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан мустақиллик даври ўзбек адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг наср, жанр, услуб, бадиий тил, адабий синтез масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари ва хулосалари амалий аҳамиятга ҳам эга. Улардан олий таълим муассасаларида “Ҳозирги адабий жараён”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиётшуносликка кириш” фанлари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, ўзбек қиссачилиги тақомилига бағишланган махсус курс, семинарлар ўтказишда ҳамда талабалар, магистрантлар ва таянч докторантлар томонидан малакавий битирув ишлари, диссертациялар, монографиялар ёзишда, шунингдек, ўрта мактаб, лицей ва коллежларда ўзбек адабиёти ва маънавияти дарсларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши** олинган илмий натижалар асосида:

ҳозирги ўзбек қиссачилигининг ўзига хослиги, ранг-баранг бадиий услубий изланишлар, поэтик тил ва қиссаларнинг маърифий-тарбиявий, бадиий-эстетик хусусиятларига оид олинган илмий натижалардан ФА-Ф1-ГО40 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” фундаментал илмий тадқиқотида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 13 февралдаги 311255-400 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши натижасида истиқлол даври қиссачилигини жаҳон қиссанавислиги билан қиёсий аспектда ўрганиш ҳамда Э.Аъзам, Н.Эшонқул қиссаларида адабий таъсир ва ижодий анъанавийликнинг ўзига хосликларини белгилашда янгича талқин тамойилларига эришилган;

ҳозирги ўзбек-қорақалпоқ қиссачилигини қиёсий-типологик ўрганишда ФА-Ф-Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” фундаментал илмий тадқиқотида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 13 февралдаги 311255-400 рақамли маълумотномаси). Натижада истиқлол даври ўзбек-қорақалпоқ қиссаларига хос бўлган бадиий-услубий изланишлар (реалистик тасвирдаги изланишлар: киноя, лиро-романтик тасвир, фалсафий мушоҳадакорлик, детектив наср унсурлари, метафора, мажоз), бадиий-услубий изланишларни қиёслаб талқин этишга асос бўлиб хизмат қилган ҳамда қорақалпоқ адабиётидаги қисса жанрининг назарий табиати ва ўзига хос хусусиятларини белгилашга, бадиий-эстетик таҳлиллар мазмунини бойитишга эришилган;

ўзбек-қорақалпоқ қиссачилигини қиёсий-типологик ўрганишда И1-ФА-0-14244 рақамли “Қорақалпоқ халқ прозасининг илгари чоп этилмаган намуналарини нашрга тайёрлаш чоп этиш (100 жилдлик “Қорақалпоқ фольклори” тўплами бўйича) фундаментал илмий тадқиқотида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 13 февралдаги 311255-400 рақамли маълумотномаси). Натижалар “Қорақалпоқ фольклори” академик тўпламининг 43-56, 77-87, 88-100 жилдликларини яратишда жорий қилиниб, истиқлол даври ўзбек-қорақалпоқ қиссаларига хос бўлган бадиий-услубий изланишлар (реалистик тасвирдаги изланишлар: киноя, лиро-романтик тасвир, фалсафий мушоҳадакорлик, детектив наср унсурлари, метафора, мажоз), бадиий-услубий изланишларни қиёслаб талқин этишга асос бўлиб хизмат қилган ҳамда қорақалпоқ адабиётидаги қисса жанрининг назарий табиати ва ўзига хос хусусиятларини белгилашга, бадиий-эстетик таҳлиллар мазмунини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуман, жумладан, 5 республика ва 2 халқаро конференциялардаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 1 монография, 1 рисола, 21 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган 142 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қисса жанрида тадрижийлик, услуб ва ички турлар”** деб аталади. Мазкур боб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи фасл “Қисса услубий йўналишлар ракурсида” деб номланган. Қиссанинг тадрижий такомил адабий-эстетик қарашлар, ижодий метод, услубий йўналишлар ва адиб индивидуаллиги каби ҳодисалар билан узвий ҳолда татқиқ этилган. Қиссанинг ўзбек адабиётида узоқ тарихий босқичлардан ўтиб, ўзгариб, янгиланиб бориши, хусусан, XX аср ва мустақиллик даврида янада кенгайди, мукаммал эстетик бир бутунлик – жанр сифатидаги ўзига хос хусусиятлари такомиллашди. Зеро, “конфликтнинг ифодавий ва тасвирий воситалар аспектида мукаммаллашиши ҳақида сўзлаш бизни услуб сфераси томон бошлайди. Шундай қилиб, бадиий асар тузилишида ижодий метод, жанр ва услубларнинг бир-бири билан алоқаси намоён бўлади<sup>4</sup>”. Бу алоқанинг характери ва қирралари қиссалар матни, композицион тузилиши таҳлилида кўрсатиб берилган.

Ҳозирги қиссачиликдаги эврилишларда жанр ва услуб муносабати салмоқли ўрин тутади. Унда анъанавий ва замонавий услуб, публицистик талқин, психологик таҳлил, ижодий ўзига хослик каби тамойилларни кузатиш асосида алоҳида шахсни руҳий-маънавий ракурсада тафтиш этиш кенгаймоқда. Шунингдек, реализм имкониятлари қисса ва услуб таркибида янги хусусиятлар ва кўринишларни вужудга келтирмоқда. Бу жиҳатдан қиссанинг қуйидаги ички турлари мавжуд: 1) драматик қисса; 2) монолог-психологик қисса; 3) ҳангома қисса; 4) эссе қисса; 5) саргузашт-детектив қисса; 6) мактуб қисса; 7) лирик қисса; 8) киноқисса.

Бугунги миллий адабиётимиз, жумладан, қиссачиликдаги услубий-шаклий йўналишлар ибтидоси ўтган асрнинг 60–70-йилларига мансуб бўлиб, адабиётшунос У.Норматов уларда иккита – изчил-реалистик ва лиро-романтик йўналиш<sup>5</sup>, С.Мамажонов учта – ҳаётни ўз шаклида кўрсатиш, шартли-рамзий ва лиро-патетик йўналишлар амал қилинганини

<sup>4</sup>Храпченко М. Типологическое изучение литературы и его принципы // Вопросы литературы. – Москва, 1968. – №2.

<sup>5</sup>Норматов У. Насримиз уфклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 104.

таъкидлашади<sup>6</sup>. Шунингдек, тадқиқотларда изчил-аналитик, лиро-романтик ва шартли-рамзий каби йўналишлар ҳам мавжуд. Муҳими, бу номларда қисман фарқ бўлса-да уларда моҳиятан реалистик тасвир етакчилик қилади.

Истиклол шарофати туфайли ижод эркинлиги, янгича бадиий тафаккур қамровининг кенгайиши ўзгача адабий-услубий тамойилларнинг қарор топишига имкон яратди. Шулардан бири қиссачиликда ҳам намоён бўлаётган модернизм йўналишидир. Академик Б.Назаров Х.Дўстмухаммедов, Н.Эшонқул, О.Мухторнинг модернистик йўналишдаги асарлари хусусида шундай ёзади: “Сўнгги босқич ўзбек адабиётидаги бу йўналишлар муайян янгиланиш намуналаридир. Улар жаҳон адабиётида содир бўлган ва бўлаётган янгиликларга ҳамоҳангдир”<sup>7</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, услубий ранг-баранглик бир адибнинг турли йўналишлардан фойдаланишига монелик қилмайди. Масалан, Э.Аъзам, Э.Усмонов, Ш. Бўтаев қиссалари асосан лиро-романтик ва шартли-рамзий, Н. Эшонқул қиссалари модернистик ва изчил-тахлилий йўналишлар намуналаридир.

Дарҳақиқат. адабиётшунос Д.Қуронов таъкидлаганидек, “адабий тафаккурнинг реалистик ва нореалистик шакллари қадимдан бақамти яшаб келаётгани, улар орасидаги зидлик ҳар бирининг кучли томонларини намоён этишию ҳар иккаласининг ожиз томонларини тўлдириб келишига гувоҳ бўлиш мумкин”<sup>8</sup>. Бу хусусият диссертацияда Х. Дўстмухаммад, Ш. Ҳамро, У. Ҳамдам, Н. Эшонқул қиссалари мисолида қайд этилган.

Бобнинг иккинчи – “Давр ва қаҳрамон талқинида ўзига хослик” фаслида замон ва шахс муносабатидан баҳс юритилади, даврнинг қаҳрамонни яратиши, қаҳрамон эса даврга таъсир этиши муаммоси ёритилади. Зеро, анъанавий реалистик қиссаларда қаҳрамон талқинида ўзлик, инсон шаъни, юрт туйғуси, маънавий комиллик йўлидаги фидойи инсон тимсоли етакчилик қилса, замонавий модернистик қиссаларда оламни маънисиз деб билган, тушкун кайфиятли, фожиавий тақдирли, жамият ва одамлардан бегоналашган шахс тасвири устувордир. Бу жараёнда реалистик талқин намуналари салмоқли бўлиб, асосий ижтимоий-эстетик юкни қаҳрамон образи ташимоқда, унинг характер динамикаси, ҳаётий асоси табиийлиги ҳамда ментал (ақлий-руҳий) ва ҳиссий-маънавий даражаси каби омиллар тасвирига эътибор кучаймоқда. Бу жиҳатлар таниқли адиб Эркин Аъзам қиссаларида, айникса, қамровли ва ёрқиндир.

Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” (2001), “Кечикаётган одам” (2002), “Жаннат ўзи қайдадир” (2007), “Гули-гули” (2009) китобларидаги қиссалари янгича тафаккур тарзи ва қаҳрамон яратишда дадил қадам бўлди. Муҳими шундаки, бу қаҳрамонлар фазилатлари ва қусурлари билан ўз даврининг фарзандлари, ижтимоий-сиёсий муҳит хусусиятларини

<sup>6</sup>Мамажонов С. Ҳаққонийлик ва услубий ранг-баранглик учун // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1979. – № 4. – Б.6.

<sup>7</sup>Назаров Б. Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир / Ўзбек адабиёти, таъсир ва типология. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – Б. 15.

<sup>8</sup>Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 217.

акс эттирадилар. Жумладан, “Асқар Шодибеков – ўлгудек ўжар одам”, Забаржад – ақлли, илмли қиз, Сафура – ясама киборлардан фарқли равишда, ҳаётдан, муҳаббатдан ўзгача маъно излаётган аёл, Рамазон – содда, жайдари характер, Болта Мардон – даври ўтган одам”<sup>9</sup>.

Фаслда “Сув ёқалаб” ва “Забаржад” қиссалари таҳлилида адибнинг қаҳрамон тасвиридаги маҳорати, индивидуал услуби ва поэтик тил имкониятларидан фойдаланишдаги истеъдоди очиб берилган. “Сув ёқалаб” қиссаси қаҳрамони Болта Мардон – собиқ раис<sup>10</sup>. Лекин ҳамқишлоқлари тақдирига, ҳаётдаги нуқсонларга бефарқ эмас: икки ўғлини ёнига олиб, қакшаётган кўрғонга сув келтиради, одамлар билан суҳбатлашади, замон ўзгаришлари, армонлари ҳақида ўйлайди. Муаллиф қаҳрамон характерини фаолиятидаги куюнчаклик, кескинлик, зиддиятли лавҳаларни воқеалар баёни асосида эмас, балки унинг янгича фикрлаши, умр ниҳоясидаги ўй-фикрлари, руҳияти талқини орқали акс эттиради. Болта Мардон образи тасвири икки аспектда ёритилган: 1) меҳнат фахрийси сифатидаги хайрли ишлари талқинида; 2) донишманд раҳбар сифатида инсон шахсий ҳаётининг мазмуни хусусидаги қарашларида. Болта Мардон – динамик характер. Унинг тадрижи ҳар бир ҳаётгий лавҳа талқинида такомиллашиб, эпиклик ва кечинма уйғунлигида яхлитлашиб боради.

Диссертацияда қаҳрамон характерини мукамаллигини таъминлаган индивидуаллаштириш, рамзийлик, шартлилик, таъсирчан ифода каби бадиий мезонлари кенг қўлланилгани алоҳида қайд этилган.

Давр ва қаҳрамон концепцияси ёрқин акс этган асарлардан бири “Забаржад” қиссасидир<sup>11</sup>. Бош қаҳрамон Забаржад талқинида адиб услубига хос лирик оҳанг, ажиб жозиба ва бадиий маъно серқатламлиги ойдинлашган. Забаржад – ўттиз ёшлардан ошган, оила қурмаган, адолатсизликка мурасасиз, оққўнгил илмий ходим, ўзини оилалик кишига бағишлаган аёл. У кўнгил ҳукми ва туйғулар истаги билан яшашни афзал кўради. Қалбидаги зиддиятларни ҳам кўнгил билан бартараф этишга интилади. Лекин у тенгдошларидан қувлиги, зиёлилиги, омадсизликларга бардошлилиги, эзгуликка умидворлиги билан фарқланади. Асарда кўнгил ва туйғу – кечинмалар унинг ҳаракати билан уйғунлашган ҳолда тасвирланади. Забаржад талқинидаги ўжарлик, шижоат, ижодий фикрлаш, қисматга лоқайд бўлмаслик миллийликка зид эмас, балки уни янги даврга ҳамоҳанг тарзда бойитиш, ўзлигини англаш ва маънавиятида эрк ҳиссининг уйғонишидир. Адиб Забаржаднинг турли вазият ва кайфиятдаги хуш ва ғамгин ҳолатларини кўрсатишда рамзий ифода, ёмғир, телефон каби бадиий деталлардан, шеъриятга хос кўтаринкилик, драмага хос диалог, монолог каби унсурлардан ҳам унумли фойдаланган.

Забаржаднинг суйган кўнгил хоҳиши, руҳ эркинлиги билан боғлиқ саргузаштларию қалб кечинмалари бадиий талқин асосидир. Жанр талаби

<sup>9</sup>Кўчқорова М. Асосий машғулоти – адабиёт, аммо омадим кинода чопди (Э. Аъзам билан суҳбат) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2014. – № 1. – Б. 162.

<sup>10</sup>Аъзам Э. Сув ёқалаб // Жаннат ўзи қайдадир? – Тошкент: Шарқ, 2017. – Б. 57-95.

<sup>11</sup>Аъзам Э. Забаржад // Жаннат ўзи қайдадир? – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 96-146.

тасвир ва ифода узвларини шу асосга мантиқан боғланишни тақозо этади. Аммо қиссада айрим ортиқча манзаралар, тафсилотлар ҳам борки, диссертацияда уларга танқидий муносабат билдирилган.

Бобнинг 3-фасли “Ижодий индивидуаллик ва услубий синкретизм” деб номланиб, реалистик тасвир хилма-хиллигининг миқёс ва даражалари таҳлил этилади. Асарнинг услубий мансублиги асосий, етакчи услуб билан белгиланади. Жумладан, Ш.Бўтаев, Н.Норқобилов қиссаларида изчил аналитик услуб, Ў.Ҳошимов, Т.Мурод, Э.Аъзам қиссаларида лиро-романтик услуб етакчилик қилгани ҳолда ноанъанавий услублар элементлари ҳам учрайди. Бу жараёнда, табиийки, услублар муносабати, уларнинг синкретик (қоришиқ) шакли вужудга келади.

Услубий синкретизм ижодий характерда бўлиб, фантастик, детектив асарларнинг мавзу ва жанр қамрови анча ранг-баранглашди, зеро “ҳар қандай фантазия замирида реаллик ётади, тасаввур содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг чегарасини кенгайтиради. Услубий синкретизмнинг ҳозирги қиссалардаги характерли жиҳатлари тажрибали носир Э.Усмоновнинг “Тақдири азал” асарида ёрқин акс этган<sup>12</sup>.

Қисса сюжети асосида ҳаётий воқеа ётади. Лекин унинг сабаб ва оқибатларидаги фантастик ва детектив талқинлар асардаги реалистик мазмунга сингиб кетади, унга романтик руҳ, фавқулодда таъсирчанлик бағишлайди. Асарда бадиий фантастиканинг қуйидаги мотивлари мавжуд: 1) башорат қилиш; 2) қиёфадошлик; 3) инсон руҳияти тириклиги (абдий яшаш); 4) туш кўриш. Детектив эса ўлим билан боғлиқ жиноят излари талқинида кўринади. Бу мотивларнинг барчасини умумий ғоявий-фалсафий нуқтага йўналтирувчи асос – тақдир концепциясидир. Илгари ҳалок бўлган инсоннинг тирик руҳи қисса воқеаларида бош қаҳрамоннинг қиёфодоши сифатида гавдаланиб, унинг қисмати, саргузаштларини башорат қилади ва такрорлайди. Натижада сюжетда ёндошлик (параллелизм) вужудга келади ва воқеалар илгари юз берган ҳодисаларнинг бадиий талқинига айланади. Бунда инсон вафотидан сўнг ҳам руҳ сифатида яшашда давом этиши, унинг жисми билан руҳи ўртасида муайян муносабат мавжудлиги хусусидаги қарашлар акс этади.

Қисса воқеалари тадрижида реалистик тасвирнинг табиийлик, ҳаққонийлик, макон ва замон аниқлиги, талқиннинг ишончлилиги каби тамойиллари етакчилик қилади, детектив мотив эса сюжетнинг ечим қисмида кўшилади. Шу боис сюжет қатламларида тасвир ва ифоданинг қуйидаги йўналишлари юзага келади: 1) реалистик, ҳаётий, оддий воқеаларнинг қамровли баёни; 2) нотаниш кимса - башоратчининг аралашуви билан ҳаёлий – ноанъанавий унсурлар таъсирининг кучайиши; 3) детектив воқеаларни ҳаракатлантирувчи “сир” ва ўлимга алоқадор фожиа сабабининг ойдинлашуви. Сюжет асосини қисса қаҳрамони Ақобир ҳаётидаги фожиали воқеалар ташкил этади: Ақобир нотаниш йигит - башоратчининг ҳар гал огоҳлантиришига қарамай, университетга ўқишга киради, ишлаб чиқариш

<sup>12</sup>Эркин Усмонов. Тақдири азал.// Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2007. – №2. – Б. 83–99.

корхонасида масъул ишда молиявий хатоларга йўл қўяди, хиёнаткор хотинининг ўлимида ноҳақ айбланиб, икки марта қамалади ва ниҳоят ичкиликка берилиб, даҳшатли тарзда ҳалок бўлади. Асарда бу воқеаларнинг батафсил баёни атайин келтирилмайди, балки уларнинг қаҳрамон характери, хусусан, тақдирига, руҳиятига таъсирининг таҳлили диққат марказида туради. Аёл ўлими тафсилотлари сюжетнинг кульминацион нуқтаси, тергов натижаларининг хулосаси бадиий ечимнинг ибтидоси вазифасини ўтайди. Тугал ечим эса кутилмаган тарзда ифодаланади: аёл қотилини топиш давомида башоратчи шахси аниқланади: унинг қиёфаси Ақобирни эслатади ва бу О.О. исмли шахс ўттиз йил аввал яшаб, Ақобирнинг аянчли қисматини бошдан кечирган экан. Башоратчи Ақобирни ўтмишдоши ва қиёфодоши хатолардан огоҳлантирувчи халоскор, нажоткор руҳ сифатида намоён бўлган. Қиссадаги реалистик ва романтик-фантастик тасвир шаклларининг бир жанр таркибида муваффақиятли уйғунлашуви бадиий синтез натижасидир.

Диссертациянинг **“Янгиланаётган услубда руҳият талқини тамойиллари”** деб номланган иккинчи боби икки фаслдан ташкил топган. Унинг 1-фасли, “Шахс тасвирида руҳият ва воқеа диалектикаси”да қиссачиликдаги бадиий психологизмнинг анъанавий ва ноанъанавий услубий шакллари тадқиқ қилинади. Қисса жанрининг талаби асар сюжетининг ягона қаҳрамон ҳаётининг драматизмга бой, лирик талқинга мойил лаҳзаларини тасвирлашга асосланган. Қиссалардаги баён шакллари – улар “мен” тилидан олиб бориладими, ижодкор ёки алоҳида баёнчи тилидан олиб бориладими – ҳар уч ҳолатда ҳам асар қаҳрамонининг хатти-ҳаракати, руҳий ҳолатининг тасвири бош планда туради.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек қиссаларида психологизм доираси янада кенгайди. Воқеа тасвиридан руҳият таҳлили устувор бўла бошлади. Натижада, кейинги йиллар қиссачилигида руҳият тасвирида икки тамойил етакчилик қила бошлади. Биринчи тамойил қаҳрамон руҳиятини беришда анъанавий принципларга амал қилиш, янги тасвир усуллари ва шакллари билан бойитилган ҳолда анъанавий воситалардан фойдаланишда кўзга ташланади (Эркин Аъзам, Ш.Бўтаев ва бошқалар асарлари). Ушбу тамойилда инсон руҳияти қаҳрамоннинг яшаш шароити, муҳити ва воқеа билан алоқадорликда бўлиши назарда тутилади. Натижада эпик баён ва ҳиссиёт муносабати вужудга келади. Зеро, чинакам асарда воқеа (ҳаракат) ва руҳият (кечинма) бир-бирини тўлдиради. Диссертацияда бу ҳол Эркин Аъзам, Э.Усмонов қиссалари мисолида кўрсатилган. Иккинчи тамойилни шартли равишда руҳиятни ноанъанавий тасвирлаш, деб аташ мумкин. Бу тамойил, асосан, ўзга халқлар, хусусан, Ғарб модернистик оқимлари таъсирида вужудга келди (Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шодикул Ҳамро). Ушбу тамойилнинг асосий хусусияти шундаки, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатлари бирон-бир жойда на ижтимоий, на руҳий жиҳатдан асосланилади. Улар макон ва замон, миллий руҳ ва умуминсоний мезонлар нуқтаи назаридан етарли далилланилмайди. Бу ҳақда проф. Б.Саримсоқов қуйидагиларни ёзади: “...Қора китоб” асарида кенг қамровли

воқелик рамзий тасвирланар экан, менинг назаримда, муаллиф ўз асарини жуда хотиржамлик билан ёзгандек таассурот қолдиради. Назар Эшонқул қиссаси ҳиссий туғён оғушида эмас, балки ақлий куч таъсирида ёзилгандек туюлади”<sup>13</sup>. Назаримизда, ушбу фикрларда инкор руҳи биров кучли бўлса ҳам, муайян ҳақиқат йўқ эмас. Бизнингча, руҳият тасвирининг таъсир кўрсата олмаслигига сабаб шуки, асар қаҳрамонида миллийлик белгилари хира, у замон ва макондан мосуво инсон.

Модерн йўналишига мансуб асарларда руҳият тасвири маънисизлик оламидаги эрксиз шахс моҳиятини намоён қилишга қаратилгани Назар Эшонқулнинг кўпчилик ҳикояларига, “Қора китоб”, “Тун панжаралари”, “Хаёл тузоғи” қиссаларига ҳам хос. Чунончи, инсон ва давр фожиаси “Қора китоб”да қаҳрамоннинг иблис йўлига кирган икки ўғли ва қизининг аянчли тақдири талқини давомида кўрсатилса, “Тун панжаралари”да муаллиф-қаҳрамоннинг “мени” тилидан унинг ўз руҳий ҳолати фонида очиб берилади.

Модерн йўналишидаги асарларда руҳият тасвирида ички нутқ, туш, қалбнинг ботиний эврилиш лавҳалари Назар Эшонқул услубида ёрқин кўринади. “Қора китоб” ва “Тун панжаралари” асарларини ички нутқ-монолог қиссалари дейиш мумкин. Чунки, уларда воқеа ва кечинма ҳам, сюжетни яхлитловчи бошқа унсурлар ҳам қаҳрамон ёхуд ровий монологи асосига қурилган. Ички нутқ бадий асарда ижодкор бадий ниятини, персонажлар характери, ички нутқда инсон онги қатларини тасаввур қилиш ҳис, туйғулар орқали содир бўлади ва унда ижодга хос психологик таҳлил, бадий шартлилик амал қилади. Шу боис ички нутқнинг кимга мансублиги ҳам диққатни тортади. “Тун панжаралари” қиссаси ички нутқнинг турли кўринишлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Қиссада муаллиф ҳам қаҳрамон, ҳам ровий. Баъзи ўринлардаги ички нутқ – хотира ретроспекция орқали қаҳрамонни ўтмишга кўчиради, баён ва руҳият миқёси янада кенгаяди. Бунда баъзан қаҳрамон билан муаллиф нутқларининг қўшилиб кетиши ҳам кузатилади. Лекин барибир қаҳрамонни ижодкор позицияси, бадий кашф этиш маҳорати бошқаради.

Замонавий қиссаларда воқеа ва руҳият тасвирининг кўпинча қаҳрамон нутқи орқали берилиши муштарак жиҳатлардан биридир. Бу ҳолни Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси Назар Эшонқул қиссаларига қиёсланганда янада ёрқин кўринади. Биринчидан, “Ёлғизлик” ҳам, “Тун панжаралари” ҳам монолог қиссалар, иккинчидан, ҳар иккаласида ҳам ёлғизликнинг, якка шахс қисматининг фалсафий талқини биринчи ўринда туради.

Диссертацияда персонажлар характерини индивидуаллаштириш ва мураккаб ички оламини очишда вазият тасвири, нарса ва ҳодисалар каби деталлар талқини конкрет мисолларда таҳлил этилган.

**“Мажозий – фалсафий образлилик қирралари”** сарлавҳали 2-фасл эса асосан Назар Эшонқул қиссаларидаги метафоризм, фалсафий-бадий талқин, адиб услубидаги ўзига хосликнинг ёрқин намунаси экани асосланади. Назар Эшонқул асарлари учун инсон қалб диалектикасини, ундаги оғриқли

<sup>13</sup>Мустақиллик даври насри: Таҳлил ва талқинлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2005. 22 май.

нуқталарни тадқиқ этиш устувордир. Бу ёндашувда муаллифнинг хиссий-фалсафий мушоҳадакорлиги, тасвир ва ифоданинг образлилиги, мажозий тафаккур даражаси муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусиятларнинг ёркинлиги, айниқса, “Тун панжаралари” қиссасида мужассам.

Муаллифга хос ижодийлик қиссанинг барча компонентларида, ўзига хос бадиий талқин орқали воқе бўлади. Бу ўзига хосликнинг муҳим жиҳатларидан бири қиссанинг мажозий образлиликка асосланишидир. Дарҳақиқат, проф. Н.Раҳимжонов қайд этган “рамзлар, тимсоллар, метафоралар асосида мулоҳаза юритиш ва бадиий умумлашмаларда фалсафий теранликка интилиш ҳозирги адабиётнинг устувор хусусиятларидан эканлиги”<sup>14</sup> ушбу қиссада ҳам ўз исботини топган. Мажозий образлилик қиссани ташкил этувчи унсурларни ўзаро уюштирувчи бадиий ва мантиқий яхлит халқа сифатида асар “қиёфасига” сингиб кетган. Қисса ўзининг ғоявий-мазмуний ва шаклий хусусиятларига кўра фалсафий–психологик характердадир. Қисса “организми”ни анъанавий эпик яхлитлик эмас, балки бир қарашда ўзаро мустақил, ҳатто пароканда турли-туман жойлашган бадиий унсурлар ташкил этади. Лекин улар умумий тасвир йўналиши билан биргаликда бадиий-эстетик функция бажаради, қисса қаҳрамони томонидан бошқарилади. Назар Эшонқул ўз ижод манерасига кўра рамзийликка мойил адиб. “Тун панжаралари” қиссаси рамзлар, поэтик кўчимлар нисбатан кенг қўлланилган, ҳаётнинг турфа манзаралари фалсафий-бадиий талқин этилган асардир.

Шунга кўра рамзларни, қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) тун, панжара, туш, шайтон, хаёл, девор
- 2) гул, нур, олма, тулпор.

Биринчи гуруҳдаги рамзлар асарда асосий ўрин тутиб, муаллиф бадиий нияти моҳиятини ифодалашда таянч воситалардир. Иккинчи гуруҳга мансуб рамзлар эса маънолари муайян даражада турғунлашиб қолган бадиий ижодда кўп учрайдиган анъанавий образларни англатади. Муҳими шундаки, муаллиф қиссада эпик баён, руҳий кечинма, портрет, пейзаж каби бадиий унсурлар талқинининг тақозосига кўра муайян рамзларни танлайди ва тасвир қатларига маҳорат билан сингдириб юборади. Бу муносабатга ишора, аввало, қисса сарлавҳасида кўринади. Зеро, “тун ва панжара” сўзларини ўқиш билан уларнинг предметлик маъносида эмас, мажозий маънода қўлланилгани сезилиб туради ва бу ишора асар мазмуни ҳақида илк тасаввур туғдиради. Қиссада макон тушунчасида хаёл олами ва реал воқелик назарда тутилиб, улардан биринчиси – хибсхона рамзий маънода одамлар яшаётган ғафлат кўрғонининг шартли ифодасидир. Асар сюжети икки йўналишда – асосан қаҳрамон ўй-мушоҳадалари ҳамда қисман илгари бўлиб ўтган ва қаҳрамон хотирасида қайта тикланган воқеалар баёни шаклида давом этади. Бу жараёнда тун, туш ва шайтон рамзлари бевосита фаол иштирок этишади ва

---

<sup>14</sup>Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърини етакчи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №3. – Б. 10.

ҳар бир лавҳа воқеа ва ақида талқинида муайян бадиий-эстетик вазифа бажаришади.

Қаҳрамон ва тун! Қисса қурилмасидаги бу икки асосий бадиий компонент муносабати асардаги эпик талқин, кечинмалар тарзи ва персонажлар тасвиридаги таянч нуқта бўлиб, қаҳрамон феномени асар ғоясининг бош ифодачиси, тун эса у яшаётган, уни ўраб олган муайян муҳит рамзи, айни чоқда, хаёл оламининг мажозий сифати ҳамдир. Шу сабабли муаллиф “ҳаёт узундан узоқ давом этувчи ҳам бемаъни, ҳам энг гўзал туш деб ўйлар эдим”, - дейди. Мажозий “туш” шўро даври воқелигининг умумий рамзи бўлиб, унинг “бемаъни”лиги шахс эрки ва ҳуқуқининг поймол этилишига ишора бўлса, “гўзал”лиги қаҳрамон интиқиб кутган, лекин фақат хаёлида кечган эстетик идеали, орзуси тимсолидир. Бу фалсафий-бадиий фикр ҳикояларнинг “Тун эртаклари” деб аталиши билан янада чуқурлашади, рамзийлик кучаяди. Шайтонга нисбатан ишлатиладиган анъанавий қора ранг унинг портретига эмас, ҳаракатларига қарата қўлланилиб, салбий маъно чуқурлаштирилади. Тун ва шайтон “маънисизлик олами”нинг икки таянч устунни эканлиги мантиқан асосланади.

Мажозий-фалсафий образлилик “Хаёл тузоғи” психологик қиссасида ҳам ёрқин кўринади. Қиссада инсон фожиаси фонида унинг иродаси ва ўзлиги тадрижидаги эврилишлар воситасида умрни фалсафий-эстетик баҳолаш олдинги ўринга чиқади. Қисса қаҳрамони Воқиф тимсолида эътиқоди беқарор шахсининг маънисизлик маскани – хаёл оламидаги аянчли ҳолати, қиёфасиз “қиёфаси” модернистик тасвир орқали асослантирилган.

Диссертацияда “Хаёл тузоғи”нинг “Қора китоб” қиссаси билан муштарак ва ўзига хос кўринишлари кенг таҳлил этилиб, қиссанинг янгича изланишлардаги ўрни асосланган.

Ишнинг **“Қиссалар тилининг бадиий-эстетик ва услубий вазифалари”** номли учинчи боби уч фаслдан иборат. “Индивидуалда услубда сўз ва ибораларнинг ифода қирралари” деб аталган биринчи фаслда асар тили бадиийликнинг асосий омилларидан бири эканлиги таъкидланади. Бадиий матнда унинг эстетик вазифаси олдинги ўринда туради, услубий вазифа эса ифоданинг раванлиги ва тушунарлилигини таъминлашда акс этади. Бу жараёнда адибнинг сўз танлаш ва қўллашда индивидуал, ўзига хос ёндашуви катта таъсир кўрсатади. Сўзнинг матн семантикасидаги денотатив (тўғри) ва коннотатив (кўчма) маънолари функциялари Эркин Аъзам қиссалари тили таҳлилида очиб берилган. Шунингдек, адибнинг сўздаги полисемантик ва локал хусусиятлар “Сув ёқалаб”, “Забаржад”, “Тули-гули” қиссалари тили мисолида исботланади. Сўзни тежаш, фикрни қисқа ва ёрқин ифодалаш адиб услубининг бир қиррасидир. Бунда муаллиф персонажлар руҳияти, вазият ва эпик баён тақозосига кўра сўзларни саралаб, уларни бадиий мақсад ифодасига бўйсундиради. Фикр далили сифатида “Сув ёқалаб” қиссасидаги ушбу парчага диққат қилайлик: “Болта Мардон дарвозахона олдида, бир қўлида икки букланган қамчи, хуржунлари қаппайган, қашқа отининг жиловидан тутиб бетоқат бўлиб турибди. У

“сиёсат” либосида, бошида сомон шляпа! – Чақир энди!, деб дағдаға қилади ошхона оғзида енгининг учини тишлаб шумшайган хотинига”<sup>15</sup>.

Қиссада сўзнинг мажозий-фалсафий талқинига ҳам катта эътибор берилган. Бу хусусият Болта Мардон билан Ҳамробобо мулоқотида батафсил ифода топган: “арикқа тушиб кетган балиқнинг жонланиб, кўзлари очилиши”да рамзий маъно мужассам бўлиб, “сув”, “балиқ” сўзлари эстетик қимматга молик контекстда талқин этилади.

